
ГУЛ НАВРЎЗИМ, ГУЛЮЗ НАВРЎЗИМ!

Баҳорнинг тароватли байрамларидан бири ҳисобланган Наврўзи олам айёми шаҳримиздаги 7-умумтаълим мактабида ҳам катта тантана қилинди.

Тадбирни Марғилон шаҳар Халқ таълими бўлими раҳбари Гулноза Қаюмова, Республика Маънавият ва маърифат маркази шаҳар бўлинмаси раҳбари Марямхон Юлдашевлар табрик сўзи билан очиб, асрлар давомида одамларни маънан бирлаштирувчи, улар қалбида эзгу фазилатларни янада мустаҳкамловчи, инсонийлик, меҳр-мурувват ғояларини ўзида мужассам этган Наврўз юртимизга қут-барака ва тўкин-сочинлик олиб киришига тилак билдирдилар.

Мактабимизнинг иқтидорли ўқувчилари томонидан ижро этилган кўклам тароватини мадҳ этувчи дилтортар куй ва қўшиқлар ҳамда дилрабо рақслар гулдастаси меҳмонларга чинакам байрам кайфиятини улашди. Байрам тадбири давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг соврини учун “Хорижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши мактаб” танловида иштирок этиб шаҳримиз шарафини муносиб ҳимоя қилганлиги ҳамда ўқишдаги намунали ҳулқи, аъло баҳолари ва жамоат ишларида фаоллиги учун мактабнинг аълочи ўқувчилари шаҳар ҳокимлигининг фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Марвархон БАХРОМОВА, 7-умумтаълим мактаби директори.

2022-03-18 13:22:49